

## ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУФУРТАЛАШ ШАРТНОМАСИ №46/24/ 30/21

Термиз ш.

2021 й. «15» Ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 25 апрелдаги СФ серияли 00214-сонли лицензияси асосида фаолият кўрсатувчи, қўйида Суфурталовчи деб аталувчи «**GROSS INSURANCE**» МЧЖ номидан 2021 йил «04» январдаги № 22-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Сурхондарё Сугурта Маркази филиали директори **Музарапов И.С.** бир томондан ва қўйида «Суфурта қўлдирувчичи» деб аталувчи **Термиз Шафевсон Пластик МЗЧ** номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари **Ч. Абдулазизов** бошқа томондан, биргаликда «Томонлар», алоҳида «Томон» деб аталиб, ушбу Қурилиш-монтаж таваккалчилликларини мажбурий Суфурталаш шартномасини (қўйида – Суфурта шартномаси) қўйидаги шартларда туздилар.

### 1-БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу Суфурта шартномасининг предмети бўлиб қурилиш майдонида суфурта воқеалари натижасида мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши) ёки шикастланиши таваккалчилидан суфурталаш, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда Суфурта қўлдирувчининг учинчи шахслар олдидағи фуқаролик жавобгарлигини суфурталаш ҳисобланниб, шу муносабат билан Суфурталовчи ушбу Суфурта шартномасида келтирилган шартлар ва/ёки ушбу Суфурта шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланган шартлар, истиснолар ва иловаларга мувофиқ суфурта ҳодисаси содир бўлганда Суфурта қўлдирувчичи/Наф олувчига суфурта товонини қўйида кўрсатилган тартиб ва муддатда тўлаш мажбуриятини, Суфурта қўлдирувчи эса суфурта мукофотини ушбу Суфурта шартномасида кўрсатилган тартиб ва муддатда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу Суфурта шартномасига мувофиқ суфурта обьекти бўлиб қурилиш майдонидаги ва қурилиш ва монтаж предмети бўлган бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, материаллар ва бошқа мол-мулк билан боғлик, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига зарар етганинига учун Суфурта қўлдирувчининг фуқаролик жавобгарлигини суннингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган мулкий манфаатлари ҳисобланади.

1.3. Ушбу Суфурта шартномаси билан суфурталанган қурилиш-монтаж ишлари обьекти ушбу Суфурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган.

1.4. Ушбу Суфурта шартномасига мувофиқ Суфурта қўлдирувчи Суфурталовчига Ариза-сўровномада ва ҳар қандай бошқа иловаларда тақдим этган ҳужжатлар ва маълумотлар ушбу Суфурта шартномасининг ажралмас қисми эканлигини, шунингдек ишончли ва ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларга эга эканлигини тасдиқлайди.

### 2-БЎЛИМ. УМУМИЙ АТАМАЛАР

2.1. **Суфурта предмети** – ушбу Суфурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда суфурта жойидаги суфуртага қабул қилинаётган мол-мулк, шунингдек Суфурта қўлдирувчининг фуқаролик жавобгарлиги.

2.2. **Қурилишнинг шартномавий қиймати** – аввал бажарилган иш ҳажмини, шу жумладан материалларни ҳисобга олган ҳолда қурилаётган обьектнинг тўлиқ ёки режалаштирилган даварда қуриладиган қисмининг қиймати.

2.3. **Суфурта пули** – ушбу Суфурта шартномаси билан белгиланган, суфурта обьекти суфурталанган, Суфурталовчининг ушбу Суфурта шартномаси бўйича Суфурта қўлдирувчи олдидағи мажбуриятларининг чегарасини акс эттирувчи пул маблағлари миқдори.

2.4. **Жавобгарлик бўйича суфурта товони лимити** – қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига зарар етказганини учун Суфурта қўлдирувчининг жавобгарлигини суфурталаш бўйича Суфурталовчи мажбуриятларининг чегарасини ўзида акс эттирувчи пул маблағлари миқдори.

2.5. **Суфурта мукофоти** – Суфурта қўлдирувчи Суфурталовчига ушбу Суфурта шартномасида келишилган тартиб ва муддатда тўлаши шарт бўлган суфурта учун тўлов.

2.6. **Суфурта воқеаси** – суфурта ҳодисаси аломатларига эга ва суфурта муддатида содир бўлган воқеа.

2.7. **Суфурта ҳодисаси** – Суфурта шартномасида кўрсатилган, содир бўлган воқеа бўлиб, у содир бўлиши билан Суфурталовчининг Суфурта қўлдирувчи/Наф олувчи/учинчи шахсларга суфурта товони тўлаш мажбуриятни юзага келади.

2.8. **Суфурта полиси** – Суфурталовчининг Суфурта шартномаси бўйича мажбуриятлари кучга киргандигани тасдиқловчи, суфурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланганидан кейин Суфурта қўлдирувчига бериладиган ҳужжат.

2.9. **Суфурта шартномаси муддати** – суфурта шартномаси амалда бўладиган давр.

2.10. **Суфурта муддати** – суфурта полисида кўрсатилган давр. Ушбу суфурта шартномаси билан шартлашилган суфурта шартномаси кучга киргандан кейин содир бўлган суфурта ҳодисаларига нисбатан қўлланилади ва суфурта полисида кўрсатилган суфурта муддати мобайнида амалда бўлади.

2.11. **Суфурта товони** – суфурта ҳодисаси содир бўлганда суфурта пули ва суфурта товони лимити чегарасида Суфурта қўлдирувчи/учинчи шахс кўрган зарарни қоплаш учун Суфурталовчига тўлайдиган пул маблағлари миқдори.

2.12. **Суфурта ҳудуди** – ушбу Суфурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган қурилиш майдони жойлашган, Суфурталовчи суфурта ҳимоясини тақдим этадиган жой.

2.13. **Учинчи шахслар** – ушбу Суфурта шартномасида кўрсатилган суфурта ҳодисаси натижасида ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказилган жисмоний шахслар, шунингдек Суфурта қўлдирувчи/Наф олувчи билан шартномавий муносабатларда бўлмаган мол-мулкига зарар етказилган юридик шахслар. Суфурта қўлдирувчи, унинг оила аъзолари, ходимлари, шунингдек Суфурта қўлдирувчининг номидан чиқувчи жисмоний ёки юридик шахслар учинчи шахслар ҳисобланмайди.

2.14. **Наф олувчи** – суфурталанган мол-мулкни асралишида қонун ҳужжатлари, бошқа ҳуқуқий ҳужжат ёки шартномага асосланган манфаати бўлган, фойдасига ушбу Суфурта шартномаси тузилган шахс.

2.15. **Бир ҳодиса бўйича суфурта товони лимити** – битта суфурта ҳодисаси натижасида келиб чиқсан барча заарлар бўйича Суфурталовчининг мажбурияти ҳажмининг чегарасини акс эттирувчи пул маблағлари миқдори.

### 3-БЎЛИМ. СУФУРТА ҲИМОЯСИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декарбдаги 532-сонли Карорига, шунингдек ушбу Суфурта шартномасининг муддатлари, шартлари ва истисноларига мувофиқ Суфурталовчи қўйидагилар учун суфурта ҳимоясини тақдим этади:

3.1.1. Суфурта қўлдирувчининг (Наф олувчининг) мулкий манфаатларига бевосита қўйидаги гуруҳдаги таваккалчилликлардан моддий зарар етганда:

- ёнғин, яшин, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўзидан-ўзи ёниш;
- ўғирлик ва учинчи шахсларнинг евуз ҳаракатлари;

9.8. Суғурталовчининг суғурта товонини рад этиш ёки тўлаш ҳақидаги қадори суғурта қилдирувчига у суғурта тўлашни сўраб мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктиримай хабар қилинши ва рад этиш сабабларининг исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

#### 10-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

10.1. Нобуд бўлган мол-мulk учун товон пули, суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтдаги тиклаш қиймати ёки алмаштириш қийматидан қайси бирининг миқдори камроқ бўлса, ўша миқдор билан чекланади.

10.2. Заарларнган мол-мulkни таъмиглаш харажатлари суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтдаги унинг ҳақиқий қийматидан ёки алмаштириш қийматидан ошса, у нобуд бўлган ҳисобланади.

10.3. Суғурталовчи, агар зарар ушбу Суғурта шартномаси шартларига биноан қопланиши керак бўлса, уни олдини олиш ва камайтириш харажатларини қоплайди.

10.4. Мол-мulk шикастланган тақдирда Суғурталовчи таъмилаш харажатларини уни бевосита суғурта ҳодисасидан аввалги ҳолатига келтириш харажатларини қоплайди.

10.5. Битта суғурта ҳодисасидан келиб чиқсан барча заарлар бўйича товон миқдори, шу жумладан заарни олдини олиш ва камайтириш харажатлари ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида белгиланган тегишли суғурта товони лимитларидан ошиши мумкин эмас.

10.6. Суғурталовчи суғурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш бўйича оқилона харажатларни суғурта пулининг 2% дан ошмаган миқдорда қоплайди.

10.7. Зарар етказгандикда айбор шахс томонидан тўлиқ қопланса, Суғурта қилдирувчи суғурта товонига бўлган ҳуқуқини йўқотади.

10.8. Агар зарар қисман ёки тегишли суғурта товонидан кам қопланган бўлса, суғурта товони Суғурта қилдирувчи зарар етказилганилиги учун жавобгар шахсдан олинган пулни ҳисобга олган холда тўланади.

10.9. Суғурта қилдирувчининг ушбу Суғурта шартномасининг 3.1.2-бандига мувофиқ фуқаролик жавобгарлигини суғурталанган бўлса, Суғурталовчи томонидан суғурта товони даъвони кўриб чиқсан жараёнида белгиланган зарар миқдорида, лекин ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган суғурта товони лимитидан ошмаган миқдорда тўланади.

Агар битта суғурта ҳодисасидан фойдасига ушбу Суғурта шартномаси тузилган бир нечта учинчи шахста зарар етса, товоннинг умумий миқдори ушбу шахслар ўртасида ҳар бир шахснинг зарари умумий зарар миқдорига бўлган нисбатда мутаносиб тақсимланади.

10.10. Суғурта товони суғурта ҳодисаси тан олиниб, комиссия зарар ва тўланиши керак бўлган суғурта товони миқдорини белгиловчи далолатнома 5 (беш) банк куни ичida тўланиши шарт.

#### 11-БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ

11.1. Суғурта товони тўлангандан кейин (тўланган маблаг чегарасида) Суғурта қилдирувчи ёки фойдасига ушбу суғурта шартномаси тузилган шахснинг зарар етказилганилигида айбор шахслардан зарар ўрнини қопланишини талаб қилиш ҳуқуқи Суғурталовчига ўтади.

Суғурта қилдирувчи айбор шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун Суғурталовчига зарур барча ҳужоатлари тақдим этиши ва барча ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

#### 12-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишли даражада бажармаганлик учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужоатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.2. Суғурта товонини тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарилишини кечиктирганлиги учун Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,15% миқдорида, лекин тўланиши лозим бўлган маблағнинг 10% дан ошмаган миқдорда неустойка тўлайди. Неустойка тўлови Суғурталовчини суғурта товонини тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

12.3. Томонлар ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари енгиг бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида юзага келса, жавобгарлиқдан озод бўладилар. Енгиг бўлмас куч шарт-шароити таъсирида бўлган томон бошқа томонни дархол бундан шарт-шароит юзага келганлиги ва қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида хабардор қилиши шарт.

#### 13-БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилган масалалар юзасидан баҳслар (низолар), талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда томонлар уларни музокара орқали ҳал этадилар.

13.2. Ушбу Суғурта шартномасидан келиб чиқсан ёки у билан боғлиқ баҳслар, келишмовчиликлар ёки талабларни музокаралар йўли билан ҳал этишининг имкони бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужоатларига мувофиқ ҳал этилади.

#### 14-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

14.1. Ушбу Суғурта шартномасига барча кўшимчалар ва ўзгаришлар томонларнинг розилиги билан ёзма шаклда киритилади.

14.2. Томонларнинг ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужоатлари билан тартибга солинади.

14.3. Ушбу Суғурта шартномаси ҳар бир томонда бир нусхадан сақланувчи ва бир хил юридик кучга эга икки нусхада тузилди.

#### 15-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

##### СУҒУРТАЛОВЧИ НОМИДАН

##### «GROSS INSURANCE» МЧЖ

Сурхондарё Суғурта Маркази филиали

Манзил: Термиз ш., Б.Авлод кучаси, 12- ўй  
тел.: +99894 209 00 35

х/р: 2020 8000 2049 4415 7224

АТ "Алокабанк" Сурхондарё филиали

Банк коди: 00401, СТИР: 207 135 501

ИФУТ: 66220

##### СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ

„Termiz Universal Plast“ M.J.C

Манзил: Термиз ш. Бодорот кучага

Тел: 91-900-49-79

х/р: 2020 8000 206700628001

АТБ „Асаса“ банк

МФО: 00358

ИНН: 304 416 364

#### ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

##### СУҒУРТАЛОВЧИ НОМИДАН:

Филиал директори

Муэррапов И.С.

м.ў.



##### СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ:

2022 й. «25» Ноябрь даги  
46/24/20/31 -сонли

Курилиш-монтаж таваккалчиликларини  
сүгурталаш шартномасининг  
1-иловаси

### СҮГУРТА ШАРТНОМАСИННИГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

|  |   |
|--|---|
| Сүгурта қилдирувчининг номи ва манзили:  | <u>Териз Универсал Пласт ш.гм</u>   |
| Пудратчи ёки суб пудратчи(лар)нинг номи: | <u>Мурработ суд биносида</u><br><u>Фуқароларни ҳебул жамас</u><br><u>Хонасини барпо этиши</u> |
| Курилишнинг шартномавий қиймати:         |   |
| Наф олувчи:                              |   |

| №    | Сүгурта предмети  |
|------|---|
| 1.1. | Курилиш ишлари (якуний ва дастлабки, шу жумладан бунда фойдаланиладиган барча материаллар): |
| 1.2. | Курилиш материаллари, ускуналар, машиналар, техника, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бошқалар   |
| 1.3. | Сүгурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин ҳудудни тозалаш хажаратлари                          |
| 1.4. | Сүгурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги таваккалчилиги        |

|      |   |   |
|------|---|---|
| 2.   | Жами сүгурта пули,<br>шу жумладан:  | <u>441 347 354</u><br>(курилаётган объект қийматининг 80% дан ошмаган миқдорда) |
| 2.1. | Сүгурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги таваккалчилиги бўйича сүгурта товони лимити |   |
| 2.2. | Сүгурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин ҳудудни тозалаш хажаратлари  | сүгурта пулининг 2% дан ошмаган миқдорда  |

|    |  |  |
|----|--|--|
| 3. | бир ҳодиса бўйича<br>сүгурта товони лимити |  |
|----|--|--|

|      |                                  |  |
|------|----------------------------------|--|
| 4.   | СҮГУРТА МУКОФОТИ                 | <u>400 000 (тур юз шимт) сурх</u>                            |
| 4.1. | Сүгурта мукофотини тўлаш муддати | Сүгурта шартномаси имзолангандан кейин 30 (үн) иш куни ичидা |
| 4.2. | Ўзаро ҳисоб-китоб валютаси       | Сўнг   |

|    |                                       |   |
|----|---------------------------------------|---|
| 5. | Сүгурта шартномаси амал килиш муддати | 20/21 йил « <u>25</u> » Ноябрь дан<br>20/21 йил « <u>25</u> » Декабр гача |
| 6. | Сүгурта муддати                       | Сүгурта полисида кўрсатилганидек.   |

#### ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

СҮГУРТАДОЧЧИ НОМИДАН  
  
Музрапов И.С.  
М.ў.

СҮГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ  
  
TERIZ UNIVERSAL PLAST